



ResearchGate



IMPACT FACTOR (RESEARCH BIB) – 7,245



VOLUME 7, ISSUE 2, 2024

## МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЎРИТИШДА ЭКСПЕРТНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МАҚОМИ

Далатов Хикмат Баратович

Андижон туманлараро маъмурий судининг судьяси

### Аннотация

Ушбу мақолада муаллиф маъмурий суд ишларини юритишида экспертнинг иштироки ва роли, унинг процессуал хуқуқий мақоми, маъмурий ишлар бўйича суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказишининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ушбу жараённи такомиллаштиришнинг айрим масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини баён этган.

### Калит сўзлар

Маъмурий суд ишларини юритиш, одил судловга кўмаклашувчи шахслар, эксперт, экспертиза, процессуал хуқуқий мақом, илм-фан, техника, санъат, ҳунар, махсус билимлар, экспертиза холосаси.

## ПРОЦЕССУАЛЬНЫЙ СТАТУС ЭКСПЕРТА А АДМИНИСТРАТИВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ

### Аннотация

В данной статье автор высказал свои мнения и предложения относительно участия и роли эксперта в ведении административных судебных дел, его proceduralno-правовом статусе, особенностях назначения и проведения судебных экспертиз по административным делам, а также некоторых вопросы совершенствования этого процесса.

### Ключевые слова

Ведение административных судебных дел, лица, содействующие правосудию, эксперт, экспертиза, proceduralno-правовой статус, наука, техника, искусство, ремесло, специальные знания, экспертное заключение.

## PROCEDURAL STATUS OF AN EXPERT IN ADMINISTRATIVE PROCEEDINGS

### Annotation

In this article, the author expressed his opinions and suggestions regarding the participation and role of an expert in the conduct of administrative court cases, his procedural legal status, specific aspects of the appointment and conduct of judicial expertise in administrative cases, and some issues of improving this process.

### Key words

Conducting administrative court cases, persons assisting justice, expert, expertise, procedural legal status, science, technology, art, craft, special knowledge, expert opinion.

Эътироф этиш жоизки мамлакатимизда сўнги йилларда суд-хукуқ соҳасида тарафларнинг тортишуви ва teng хуқуқлилигини таъминлашда суд билан жамият аъзоларининг ҳар бири ўртасида муносабатларни ўрнатишда қийинчилик туғдирадиган механизмларни соддалаштириш борасида мисли кўрилмаган ислоҳотлар амалга оширилди. Юртимизда сўнги йилларда суд-хукуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, маъмурий судларнинг ташкил этилиши, маъмурий хукуқ институтининг ривожи давлат бошқаруви фаолиятидаги бўшлиқларни тўлдиришга, камчиликларни бартараф этишга қаратилгандир

Бугунги кунда маъмурий низоларни судда кўришда низо тоифаларининг хилма-хиллиги, маъмурий хукукий-муносабатларга оид норматив хукукий ҳужжатлар доирасининг кенглиги низо юзасидан, ҳолат юзасидан маҳсус билм ва кўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

Бу ҳолатда судда низоларни ҳал этишда эксперт ва мутахассисларнинг сифатли хulosалари га эҳтиёж сезади. Амалдаги Маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги кодексига мувофиқ, процесс иштирокчилари -ишида иштирок этувчи шахслар ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслардан ташкил топган.

Маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги кодекснинг 48-моддасига кўра, эксперт, гувоҳ, мутахассис ва таржимон одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахс ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, қайд этилган шахслар орасида экспертнинг роли ва ўрни муҳим ҳисобланади. Экспертнинг маъмурий суд ишларини юритишдаги иштироки энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, у одил судовни амалга оширишга кўмаклашувчи шахс сифатида кўрилаётган ишнинг натижасидан манфаатдор ҳисобланмайди ва у ёки бу тарафга ён босишга, ушбу тараф манфаатини кўзлаб хulosса ёки фикр беришга ҳақли эмас. Шу жиҳатдан, экспертнинг ишни кўриш ва ўз хulosасини судга тақдим этишдаги вазифаси тегишли даражада масъулият ва жавобгарлик билан боғлиқдир.

Мамлакатимиздаги барча жабҳаларда бўлгани сингари, суд-хукуқ соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бунинг натижасида, қонунчиликда экспертнинг хукукий мақомини оширишга қаратилган нормалар мустаҳкамланди.

Маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги кодексда эксперт тушунчасига берилган таърифга мувофиқ, хulosса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида маҳсус билимларга эга бўлган жисмоний шахс эксперт сифатида тайинланиши мумкин. Эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки ўзга жисмоний шахс эксперт сифатида иштирок этиши мумкин. Бошқача айтганда, қонунда кўзда тутилган муайян талабларга жавоб берадиган, тегишли соҳада маҳсус билимларга эга бўлган ҳар қандай шахс эксперт бўлиши мумкин.

Шунингдек, экспертнинг хукукий мақоми Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ти Қонунида ҳам белгиланган. Унга мувофиқ, суд эксперти – хulosса бериш учун фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида маҳсус билимларга эга бўлган, белгиланган тартибда суд эксперти сифатида тайинланган жисмоний шахс; давлат суд эксперти – давлат суд-

экспертиза муассасасининг ўз хизмат вазифаларини бажариш тартибида суд экспертизасини ўтказувчи суд эксперти.

Шуни қайд этиш керакки, маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиларидан бири сифатида судда эксперт сифатида қатнашадиган шахсларга бир қатор талаблар қўйилган. Ҳукуқшунос олимлар фикрича, экспертиларнинг тегишли ваколатга, яъни, экспертиза ўтказиш учун тегишли билимларга эга бўлиши унинг фаолиятининг асосий жиҳатидир. Табиийки, эксперт процессуал ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида муайян ҳуқуқларга эга ва муайян процессуал мажбуриятларни қабул қиласди. Эксперт қонунда белгиланган маҳсус билимларга эга, яъни, компетентли бўлмоғи ҳамда ишнинг натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмаслиги лозим.

Экспертнинг у ёки бу маъмурий ишни қўришда иштирок этиш ва хулоса бериш учун компетентлиги ҳакида сўзлашдан олдин экспертнинг қандай малакага эга бўлиши лозимлиги борасидаги саволга жавоб бериш мақсадга мувофиқ. Миллий қонунчиликда эксперт малакасига оид талаблар санаб ўтилган. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига кўра, давлат суд эксперти лавозимини олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотига эга бўлган, муайян суд-эксперт ихтисослиги бўйича кейинги тайёргарликдан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибида давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси эгаллаши мумкин.

Суд эксперти сифатида жалб этиладиган бошқа ташкилот ходими ва бошқа жисмоний шахс олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотига эга бўлиши лозим.

Экспертнинг бирор бир ишда экспертиза ўтказиш учун ваколатли шахс сифатида иштирок этишининг асосий талабларидан бири – бу унинг маҳсус билимларга эга бўлишлиги шартидир. Шуни таъкидлаш жоизки, қонунчилимида “маҳсус билимлар” тушунчасига алоҳида таъриф берилмаган. Бироқ бу борада баъзи олимлар ўз таърифларини беришга ҳаракат қиласди. Жумладан, А.Эйсман маҳсус билимларга ҳамма учун маълум бўлган, барча эгаллаши мумкин бўлган, оммавий тарқатиладиган деб ҳисобланмайдиган билимлар дея таъриф беради. Унинг фикрича, маҳсус билимлар – бу тор доирадаги мутахassislar профессионал даражада эгаллаган билимлардир. Яна таъкидланишича, маҳсус билимлар изланишининг илмий асосланган методларига асосланганлиги учун илмий характерга эгадир.

Экспертнинг суддаги иштироки ҳакида гап кетганда, унинг ўз вазифаларини бажариши муносабати билан айрим чекловларга амал қилишга мажбурлиги ҳакидаги қоидаларга эътибор қаратиш жоиз. Эксперт иштирокига оид шу каби чекловчи нормалар Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасида белгиланган. Яъни, суд эксперти: суд экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ бўлган, ишнинг натижасидан ўзининг манфаатдор эмаслигини шубҳа остига қўядиган масалалар юзасидан процесс иштирокчилари билан шахсий алоқага киришишга; суд экспертизасини ўтказиш учун мустақил равишда материаллар тўплашга; суд экспертизаси натижаларини суд

экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) ташқари бирон-бир шахсга хабар қилишга ҳақли эмас.

Бундан кўринадики, эксперт маъмурий суд ишларини юритишда одил судловни амалга оширишга қўмаклашиш учун суд томонидан жалб этилар экан, у қонун билан белгиланган ҳаракатларнигина амалга оширишга ҳақлидир. Экспертнинг суддаги иштирокини унинг иш бўйича судга тақдим этадиган хulosаси билан бевосита боғлиқдир. Маъмурий ишларни кўриб, мазмунан ҳал қилишда суд томонидан тайинланадиган экспертизанинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Экспертиза хulosаси суднинг ишни кўриш натижаси бўйича қабул қиласидан карорига асос сифатида хизмат қилувчи далил ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Конунига мувофиқ, суд экспертизаси – фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки хунар соҳасидаги маҳсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хulosса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда экспертизанинг қайси ҳолларда ва қандай тартибда тайинланиши ва ўтказилишига оид нормалар белгиланган. Яъни, ишни кўриб чиқиши вақтида юзага келадиган, фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида маҳсус билимларни талаб қиласидан масалаларни тушунтириб бериш учун суд ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг розилиги билан экспертиза тайинлайди.

Экспертлар суд ишида кимлар томонидан жалб қилинади, деган саволга жавоб топиш бирмунча аҳамиятлидир. Айрим давлатлар процессуал қонунчилигига экспертилар ҳам тарафлар, ҳам суднинг ўз ташаббусига кўра жалб қилиниши мумкинлиги белгиланган бўлса (масалан, Франция, Германия ва АҚШда), бошқа бир қатор давлатларда экспертилар ишга фақат тарафлар ташабbusi билан жалб қилиниши мумкинлиги кўрсатилган. Шундай қоида Англияда ҳам амал қиласи. Бироқ, у ерда экспертнинг ишга жалб қилиниши ёки тараф бирор-бир фактни исботлаш жараёнида эксперт хulosасидан фойдаланиши учун суд томонидан русхат олиниши талаб этилади. Бунинг учун тараф судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, унда эксперт хulosаси асос қилиб олинидиган соҳа ва имкон бўлса, эксперт исм-шарифини ҳам кўрсатиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, экспертизани тайинлаш ва ўтказишида тарафларнинг фикрларини инобатга олиш далиллар мақбуллигини таъминлаш ва иш бўйича адолатли қарор чиқаришида муҳим аҳамиятга эга.

МСИЮтКнинг 79-моддасига мувофиқ, экспертиза ўтказилиши зарур бўлган масалаларнинг доираси ва мазмuni суд томонидан белгиланади. Ишда иштирок этувчи шахслар судга экспертиза ўтказиши вақтида тушунтириб берилиши лозим бўлган саволларни тақдим этишга; ўзлари кўрсатган шахсларни эксперт сифатида жалб этиш тўғрисида ёки экспертизани муайян экспертиза муассасасида ўтказиш ҳақида илтимос қилишга, экспертни рад этиш тўғрисида арз қилишга; экспертиза тайинлаш ҳақидаги ажримга эксперт олдига қўйилган масалаларга қўшимча масалалар киритиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишга; экспертга тушунтишлар беришга; эксперт хulosаси билан ёки хulosса беришнинг имкони



бўлмаганлиги ҳақидаги хабар билан танишишга; қўшимча ёки такрорий экспертиза ўтказиш ҳақида илтимоснома киритишига ҳақли.

Экспертнинг маъмурий суд ишларини юритишдаги иштироки, унинг ҳуқуқий мақоми, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва суд экспертизасига оид баён этилган фикр ва мулоҳазалардан қўйидагиларни хulosса қилиш мумкин: суд томонидан қўйилган масалалар юзасидан малакали хulosса беришни таъминлаш мақсадида, эксперталарни илгор хорижий давлатлар тажрибаси билан таништириб, улар малакасини мунтазам равишида ошириб бориш, шунингдек, жойлардаги экспертиза муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида жиҳозланишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан хulosса қилиб айтиш мумкинки, маъмурий суд ишларини кўришда эксперталарнинг ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эгадир. Шуни эътиборга олиб, эксперталар ҳуқуқий мақомини янада кўпроқ тадқиқ этиш ва амалиётдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилмоқ лозим. Зоро, бунинг натижасида одил судлов сифати ва самарадорлиги янада ошишига эришиш мумкин.

# WORDLY KNOWLEDGE